

КЎХНА АРК ИЧИДАГИ АРХЕОЛОГИЯ КАЗИШМА ИШЛАРИ.

Қурбанов А

Хоразм хонлиги зарбхонаси тарихи бўлими муdiri

Хударганова Н

Ичан-Қалъа давлат музей қўриқхонаси етакчи мутахасиси

Кўхна Арк Хиванинг қадимий қалъаси бўлиб, Ичан-Қалъадаги хон саройларидан бири. Арк биноси антик даврда қурилган бўлсада, XVI асрдан кейин хонлар қароргоҳига айлантирилган. Унинг ҳудудида ўтказилган археологик қазилмалар шаҳарнинг етти марта гуллаб яшнагани ва инқирозга учрагани ҳақида маълумотлар беради.

Аркнинг маъмурий қисми XIX аср бошида қайта қурилиб, аср ўрталарида чиройли кошнлар билан безатилган. Кўхна Аркга шарқий дарвозадан кирилган. Унинг ҳудуди 1 гектардан зиёдроқ майдонни эгаллаб, тўртбурчак шаклда қурилган ва баланд қалин девор билан ўралган. Бугунги кунда мазкур сарой ҳудудида XIX асрга оид бир нечта бино сақланиб қолган.

Аркда хоннинг уй-жойлари, давлат идоралари билан бир қаторда қўринишхона (саломхона, арзхона), зарбхона, ёзги ва қишқи масжид, ҳарам, аслаҳахона, ўқ-дори тайёрланадиган устахона, омборхона, ошхона, отхона, зиндон ва қўчқор уруштирадиган махсус майдон ҳам бўлган. 2021 йилда саройнинг жанубий- шарқий томонидаги майдонда археологик қазилма ишлари олиб борилди.

Ушбу майдон 584 квадрат метрни ташкил этади. Тарихий манбаларга кўра хон қабулхонасигача бўлган ушбу бўш майдонда зич жойлашган бинолар мавжуд бўлган. Бинолар учта ҳовли атрофида жамланган. Биринчисида, дарвоза олдида элчилар хоннинг қабулини кутишган, иккинчисида замбараклар жойлашган, учинчисида хон девони жойлашган.

Олиб борилган археологик қазилмаларнинг дастлабки босқичида мазкур майдонда жойлашган иморат қолдиқлари аниқланган. Бу ерда 1,3 м: кенгликда пишган ғиштлардан барпо этилган, шимолдан жанубга йўналган иморат пойдевори кўзга ташланади.

Ундан ғарбда пишган ғиштдан терилган пол ва унинг ўртасида ташнов (адан) жойлашган. Ушбу топилмалар қазилманинг энг юқори, яъни шаҳар ҳаётининг сўнгги давр қатламларига тегишли бўлиб, аниқланган сопол буюмлар асосан XIX аср билан белгиланади. Бу ҳудудда XX асрнинг ўрталарида замонавий қурилмалар барпо этилиб, қазилма майдонининг ўртасида уларнинг қолдиқларини кузатиш мумкин. Бу ерда ҳозирги замин сатҳидан 1,2 метр чуқурликда, XVI-XVIII асрларга тегишли қудуқ ҳам аниқланган. Қудуқ пишган ғиштлардан барпо этилган. Қудуқ билан боғлиқ пол сатҳида ташновлар ҳам кузатилади.

1-1,5 метр чуқурликкача ўрганилган маданий қатламларда жуда кўплаб сирланган ва сирланмаган сопол идишлар қолдиқлари аниқланди. Булар XVII-XIX асрларга тегишли бўлган хум,кўза,тоғора,косалардир.

Юқоридагиларга кўра ушбу қатламда аниқланган иншоот қолдиқлари ҳам шу даврга тааллуқли бўлиб,тарихий манбаларда тавсифланган бинолар ҳақиқатдан ҳам мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Қазишманинг ғарбий тарафида қазилган 2-3 метр чуқурликдаги шурфда 80-90 см: чуқурликкача маданий қатламлар ўрганилиб,пол сатҳи очилди. Мазкур пол сатҳида тўғрибурчак шаклидаги ўчоқ қолдиқлари аниқланиб,улар хўжалик мақсадларида фойдаланилган.

Шурфда бир метр қалинликдаги маданий қатламларда кўплаб сирланган ва сирланмаган сопол буюмлар,шиша бўлаклари,мис танга қолдиқлари аниқланди.

Сирланмаган сопол буюмлар кулранг тусда бўлиб, улар ичида кўзалар, хурмачалар,тоғоралар ва бошқа идишлар қолдиқлари кузатилади. Идишларнинг сирти тирналган ва чекма нақшлар билан безатилган.

Аниқланган сополлар ишланиш услуоби,лойининг таркиби ва хусусиятига кўра, хронологик жиҳатдан XIII-XIV асрларга тегишлидир. Шунга кўра шурфда аниқланган ўчоқлар ҳам шу даврга оид бўлиб, Кўхна Арк худудида қадимги турар –жойларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ маълумотларни тақдим қилади.

Мазкур ҳудудда яқин келажакда археологик қазишмаларни давом эттириш режалаштирилган. Хива шаҳри 2500 йиллик тарихий тараққиётни бошидан кечирган бўлиб,археологик қазишмалар унинг қадимги тарихи билан боғлиқ янги археологик манбаларни тақдим қилади.